

ИККИЛАМЧИ ВА ТАКРОРИЙ НОМИНАЦИЯ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8223454>

Анарбоева Иродахон Ориповна

Андижон давлат чет тиллари институти француз тили назарияси ва амалиёти кафедраси эркин тадқиқотчиси

Аннотация

Ушбу мақола номинация масаласига бағишланган бўлиб, унда иккиламчи ва такрорий номинацияларнинг морфологик, синтактик -семантик хусусиятлари хусусида фикр юритилади

Таянч сўзлар

ономасиология, номинация, такрорий номинация, ҳосила контекст, референт, лексик.....

Аннотация

Данная статья посвящена проблеме номинации, в которой обсуждаются морфологические, синтаксико-семантические особенности вторичных и повторных номинаций.

Ключевые слова

ономасиология, номинализация, повторная номинализация, словообразовательный контекст, референт, лексический...

Annotation

This article is devoted to the problem of nomination, as well as morphological, syntactic and semantic features of secondary and repeated nominations.

Key words

onomasiology, nominalization, re-nominalization, derivational context, referent, lexical...

Инсоният яралибдики, ономасиология масалалари қадимдан, тилнинг пайдо бўлиши борасидаги баҳслар бошлангандан бери олимларни қизиқтириб келган. Ономасиологиянинг марказий муаммоси эса номинация масаласидир. Масаланинг моҳиятини тўғри ёритиш учун, аввало, *иккиламчи номинация ва такрорий номинация* тушунчаларини ойдинлаштириб олишимиз зарур.

Н.А.Голубева ўзининг «Вторичная или повторная номинация? Прецедентная номинация» мақоласида ана шу масалани ўрганишга ҳаракат қилади. «Ҳатто, деб ёзади Н.А.Голубева, - «такрорий номинация

назариясининг отаси» В.Г.Гак ҳам айрим ўринларда бир тушунчани бошқаси билан алмаштириб кўяди.»¹³⁵ Бу фикр масаланинг ҳақиқатан ҳам мураккаб жараён эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Муаммо шундаки, бир дискурсив воситанинг ўзи бир пайтда ҳам иккиламчи номинацияни, ҳам такрорий номинацияни ифодалаши мумкин.

Бирламчи номинация - бу воқелик элементларини (предметда ҳам, воқеаликда ҳам) ҳосила бўлмаган сўзлар ёрдамида белгилаш. Ҳосил бўлмаганлар - она тилида сўзлашувчилар томонидан ибтидоий деб синхрон равишда тан олинган, яъни бошқа сўзлардан ҳосил бўлмаган сўзлар. Улар бизни ўраб турган воқеликнинг тўғридан-тўғри, шартли, мотивлашмаган қисмларини белгилайдилар. Шу маънода бирламчи номинация замонавий тилларда жуда кам учрайдиган ҳодисадир, чунки барча тилларнинг бирламчи лексик таркиби кўп асрлар давомида аллақачон шаклланган.¹³⁶

Иккиламчи номинация янги тушунчаларни белгилаш учун мавжуд тил бирликларидан фойдаланиш жараёнидир. Бу *морфологик* ёки *семантик* ҳосилани ўз ичига олиши мумкин. Иккиламчи номинация натижалари, одатда, ҳосила сифатида қабул қилинади. қўлланиладиган тил воситалари ҳамда ном ва воқелик ўртасидаги муносабатларнинг табиатига қараб иккиламчи номинация усуллари фарқ қилиши мумкин.¹³⁷

Бу борада Ж.А.Вардзелашвилининг қарашлари аниқ фактларга таяниши билан характерлидир. Иккиламчи номинация воситалари сифатида қуйидагиларни белгилайди:

а) **сўз ясалиши:** *дўст - дўстлик*

б) **синтактик транспозиция:** *тарвузи қўлтигидан тушиди - гап, тарвузи қўлтигидан тушиди - ибора*

в) **семантик транспозиция:** *тулки - "ҳайвон"; тулки - "айёр одам."*¹³⁸

Бунда бирламчи сўз ва бирикмалар асосида янги номинатив бирликларнинг пайдо бўлиши ана шу бирликларнинг иккиламчи маъно англатишини билдириши назарда тутилади. Мана шу иккиламчи номинатив бирликлардан бири бошқа бир контекст занжирида, яъни иккиламчи номинацияда англатаётган тушунчанинг маъновий синонимлари каторида келганда у такрорий номинация вазифасини бажаради. Масалан,

¹³⁵ Голубева Н.А. Вторичная или повторная номинация? Прецедентная номинация // Вестник ТГУ, 10 (66), 2008. – С. 16-23

¹³⁶ Ягафарова Г.Н. Основные ономаσιологические понятия // Вестник Челябинского государственного университета. - 2010. - №13. - С. 172-177.

¹³⁷ [https://ru.wikipedia.org/wiki/Номинация_\(лингвистика\)](https://ru.wikipedia.org/wiki/Номинация_(лингвистика))

¹³⁸ Вардзелашвили Ж.А. К вопросу о толковании термина "номинация" в лингвистических исследованиях // Славистика в Грузии. ТГУ. Выпуск 1. Тбилиси, 2000. – С. 62-68

Йўлда чолнинг олдида **итлар** югуриб чиқибди жумласида **ит** сўзи бирламчи номинация. Қуйидаги матнда эса **ит** сўзи ҳам иккиламчи номинация сифатида шаклланган, ҳам такрорий номинация вазифасини бажармоқда. Бу ўринда **бой** номинатив асоснинг ўзи ҳам иккиламчи номинация саналиб, бой белги билдирувчи сифати отлашиб, метонимик усул билан шахсни ифодалаб келган.

Кўзим билан дарров Ёрматни ишорат қилдим. **Бой** тез фаҳмлади-да, «шундайми, жиян» деб кулди... Куз пайтида кечқурун Гулнор билан бознинг бир чеккасида сўзлашиб ўтирганимни ҳам кўриб қолганди. Билади у **ит**. Тавба, **унинг** бу аҳмоқчилиги тушимга ҳам кирмаган эди. (Ойбек, «Қутлуғ кон»)

Такрорий номинация борасида О.И.Москальскаянинг таърифини келтирамиз: “Ҳар қандай такрорий номинация мувофиқликни таъминлаш воситаси сифатида, биринчи навбатда, матн ҳосил қилувчи функцияни бажаради: у билан матннинг яхлит композицион шаклланиши мустақамланади. Матнни оддий жумлалар занжиридан фарқлаш мезони бўлиб хизмат қилади.”¹³⁹ Н.С.Валгинага кўра, такрорлар "ифодаларнинг таркибий қисмларини, тил бирликларини тематик ва грамматик жиҳатдан боғлайди".¹⁴⁰

Демак, таърифлардан кўринадик, иккиламчи номинация ва такрорий номинация тушунчалари бутунлай бошқа-бошқа ходисалар бўлиб, уларни аниқ фарқлаш керак. Бизнингча, иккиламчи номинация семантикага доир бўлиб, “янги ном”ни шакллантиришга хизмат қилади. Ҳатто, юқорида айтиб ўтилган синтактик трансформация усулида ҳам шаклдан мазмунга томон борилади: *капалак учиб кетди* (гап) – *капалаги учиб кетди* (ибора): биринчиси ҳукми, иккинчиси эса ҳолатни ифодалайди.

Н.С.Валгина¹⁴¹ такрорий номинацияни амалга оширишнинг қуйидаги усулларини белгилайди:

- аниқ номинация – кўрсатиш олмоши:

Рус тилида: *На горе стоял дом. Мне интересен этот дом был тем, что по вечерам там всегда горел свет...*

Ўзбек тилида: *Ҳақиқатан, чол у ҳафтадан бу ҳафта бир неча жуфт бачкана маҳси тайёрлай олади. Буни сотиб, чарм, ип, сирач, мум сингари косибчилик учун керакли ашёлар олади.*

- анафорик бирлик – кишилик ёки кўрсатиш олмоши:

¹³⁹ Москальская О. И. Грамматика текста / О. И. Москальская. М.: Высш.шк., 1981.

¹⁴⁰ Валгина Н. С. Теория текста. - М.: Логос, 2004.

¹⁴¹ Валгина Н. С. Теория текста, М.: Логос, 2003.

Рус тилида: ...питать какой-то интерес к легендарной жизни странствующего поэта и мудреца Булгаков должен был с детства: ведь **оно** прошло у него в Киеве...

Ўзбек тилида: Э... бизда бойлар бир-бирини кўра олмайди, бирлашмайди, **шуниси** чатоқ-да,- шикоятланди Салимбойвачча.

- қисқартма отлар:

Рус тилида: Тогда это учреждение называлось **ОГПУ**.

Ўзбек тилида: Туркистон халқ университети 1920 йилдан Туркистон давлат ун-ти, 1923 йилдан Ўрта Осий давлат ун-ти (**САГУ**), 1960 йилдан Тошкент давлат ун-ти (**ТошДУ**) деб номланган.

- равиш:

Рус тилида: Мне интересен этот дом был тем, что по вечерам **там** всегда горел свет...

Ўзбек тилида: Богнинг қуйисида катта олмazor... Йўлчиға шуниси қизиқ туюлдики, **бу ерда** қай томондан қараманг, ҳамма дарахтлар бир чизиқ устида, текис саф тортиб туради, дарахтлар ўртасидаги масофа ҳам барабар.

- сон:

Рус тилида: «В «Мастере и Маргарите» очевиднейшим образом художественно воплощена идея трех миров: земного, библейского и космического. **Первый** - в романе представляют люди. **Второй** - библейские персонажи. **Третий** - Воланд со своими спутниками.

Ўзбек тилида: Бу икки йўналиш бир-бирини мутлақо инкор этмайди. Аксинча, уларнинг **бири иккинчисига** таянади ва **бири иккинчисидан** озиқланади.

- парафраза (ёки перифраза):

Рус тилида: Остап Бендер - **великий комбинатор**;

Ўзбек тилида: 12 сентябрь – Тиббийёт ходимлари куни. Шу муносабат билан **саломатлик посбонларини** тақдिलाиш маросими ўтказилди.

- мажозий-метафорик алмаштириш:

Рус тилида: А снизу, на лестнице показалась **фигурка** и медленно ползла по ступеням вверх. **Фигурка** шла на разъезжающихся больных ногах и трясла белой головой. **На фигурке** была широкая двубортная куртка с серебряными пуговицами и цветными зелеными петлицами. В прыгающих руках **у фигурки** был огромный ключ (М.Булгаков).

Ўзбек тилида: Жўрабой ҳам туриб келди. У ўзининг махсус жойга боғланган отига яқинлашиб: «Ҳа, жонидан, яхшимисан? Кўнглинг нимани тусайди? **Айланай, қора боладан!**» каби сўзлар билан отни эркалай бошлади. (Ойбек)

Шу ўринда номинацияга оид атамалар борасида яна бир масалани аниқлаб олиш керак бўлади. Занжирли боғланишдаги такрорий

номинацияларнинг дастлабкиси, яъни референт бирликка нисбатан бирламчи номинация (одатда, такрорий номинацияларнинг биринчиси деган маънони ифодалаш мақсадида қўлланади) атамасини қўллаш тўғри эмас. Чунки бирламчи тушунчаси атов бирлигининг шаклланишига нисбатан қўлланади. Бизнингча, бу ўринда бошланғич номинация ёки асос номинация атамаларини қўллаш тўғри ёндашув бўлади.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Голубева Н.А. Вторичная или повторная номинация? Прецедентная номинация // Вестник ТГУ, 10 (66), 2008. – С. 16-23
2. Ягафарова Г.Н. Основные ономазиологические понятия // Вестник Челябинского государственного университета. - 2010. - №13. - С. 172-177.
3. [https://ru.wikipedia.org/wiki/Номинация_\(лингвистика\)](https://ru.wikipedia.org/wiki/Номинация_(лингвистика))
4. Вардзелашвили Ж.А. К вопросу о толковании термина “номинация” в лингвистических исследованиях // Славистика в Грузии. ТГУ. Выпуск 1. Тбилиси, 2000. – С. 62-68
5. Москальская О. И. Грамматика текста / О. И. Москальская. М.: Высш.шк., 1981.
6. Валгина Н. С. Теория текста. - М.: Логос, 2004.
7. Валгина Н. С. Теория текста, М.: Логос, 2003.